

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 334.75

Собиров Абдурасул

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИГА
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА
СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(хусусийлаштирилаётган корхоналар маълумотлари асосида)

08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг”

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2009



Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетига
бажарилган

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Ходиев Баходир Юнусович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Икрамов Мурат Акрамович

иқтисод фанлари номзоди
Далиев Ахтам Шарофутдинович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши
академияси


Химоя 2009 йил «16» октябрь соат «9.00» да Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д 067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил «15» 09 да тарқатилди

**Ихтисослашган
кенгаш илмий котиби
иқтисод фанлари доктори,
профессор**



Б. Беркинов

330.3(043.3)
С - 74

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида босқичма-босқич амалга оширилган бозор ислохотларининг асосини иқтисодий таркибий ўзгартириш бўйича чора-тадбирларни бажариш ташкил қилди. Натижада бугун мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишнинг мустақкам негизлари яратилиб, ташқи иқтисодий алоқалар дадил ривожланмоқда, аҳоли бандлиги, улар даромади мунтазам ўсмоқда.

Шу билан бир вақтда ҳозирги жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва мамлакатимизни, ундан кейинги тараққиётини таъминлаш юзасидан давлатимиз раҳбари И. Каримов “бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодий диверсификация қилиш жараёнларини давом эттиришдир”¹ деб белгилаб берган устувор йўналишдаги вазифаларни самарали ҳал этиш иқтисодийга инвестицияларни шу жумладан, чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб этишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити яратилган бўлиб, унинг асосини инвестиция йўналишидаги қонунчилик ҳужжатлари, ушбу соҳани бошқариш ва тартибга солиш бўйича тупланган амалий тажрибалар, энг муҳими, давлатимиздаги барқарор ижтимоий- иқтисодий вазият ташкил этади.

Шуларни инобатга олганда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификация қилиш учун инвестиция жалб этишни ҳисобга олиб мавжуд инвестиция сиёсати мақсадлари ва инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш механизмлари самарадорлигини баҳолаш, уларни такомиллаштириш ислохотларнинг бугунги босқичидаги долзарб тадқиқотлар доирасига киради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида инвестиция фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, уни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммолари узоқ хорижий ҳамда МДҲ мамлакатлари олимлари томонидан кенг ўрганилган ва уларнинг ишларида илмий-услубий ҳамда амалий қоидалар асослаб берилган. Улар қаторига В.Аньшин, И.Бланк, В.Бочаров, В.Жданов, Г.Иванов, Л.Стахова, У.Шарп ва бошқалар ишларини киритиш мумкин.

Ўзбекистонда иқтисодийга инвестициялар жалб этиш ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усуллари, ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини илмий тадқиқ қилиш асосан мустақиллик йилларидан бошлаб амалга оширилмоқда ва ушбу йўналишда Т.Ахмедов, Б.Беркинов, А.Бекмуродов, М.Икрамов, Э.Махмудов, А.Далиев, И.Сирожиддинов, Ш.Юлдашев, А.Хайдаров, Д.Ғозибеков, Ш.Эргашева ва бошқалар илмий-амалий ишларини кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга мамлакатимиз иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, инвестицияларни тартибга солиш механизмининг иқтисодий тармоқлари, ҳудудлари ва корхоналарига жалб этилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар самарадорлигига таъсирини баҳолаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида

¹ И. А. Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т. Ўзбекистон, 2009 - 396.

иктисодиётга инвестициялар жалб қилишни фаоллаштирувчи омиллар ва йўллар етарлича ўрганилмаган.

Айни пайтда мамлакатда шаклланган инвестиция сиёсатини амалга ошириш, хусусийлаштирилаётган корхоналарга инвестиция жалб этиш, ҳудудий инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга оширишни бошқариш, корхоналарни инвестиция киритиш учун истикболлигини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника ва технологияни янгилаш талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш зарурати ушбу диссертация ишининг мақсади ва тадқиқот вазифалари доирасини белгилаб берди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши мавзуси Тошкент Давлат иқтисодиёт университети илмий-амалий тадқиқотлар режасига киради.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади - Ўзбекистонда давлат томонидан инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва инвестицияларни жалб этиш жараёнини бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Куйидагилар диссертация ишининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

-бозор иқтисодиёти шароитида инвестициялар мазмун-моҳиятини очиб бериш ва унга назарий қарашларни умумлаштириш;

-иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестицияларни жалб этишни давлат томонидан тартибга солишнинг моҳияти ва мақсадларини аниқлаш;

-Ўзбекистонда шаклланган инвестиция муҳити ва инвестиция фаолиятини бошқариш механизмларини иқтисодиётга, унинг ҳудудлари ва корхоналарига жалб этилган инвестициялар динамикасини таҳлил қилиш орқали баҳолаш;

-хусусийлаштирилаётган корхоналарга инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни асослаш;

-ҳудудларда инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни бошқариш механизминини шакллантиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;

-корхоналар ишлаб чиқаришини модернизация қилишга инвестициялар киритиш учун унинг молиявий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш усулини такомиллаштириш.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг тармоқлари, хусусийлаштирилаётган корхоналар ва ҳудудлар тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Инвестиция фаолияти ва жараёнларини тартибга солиш ва бошқаришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тадқиқот предметини ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий ва услубий асослари. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш бўйича Ўзбекистон олимлари, шу жумладан, Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг иқтисодий ислохотлар ва мамлакатни модернизациялашга оид асарлари ва хорижий тадқиқотчилар илмий ишлари тадқиқотнинг илмий-методологик асоси бўлиб ҳисобланади.

Илмий ишнинг услубий асосини инвестиция ва инвестиция фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари ташкил қилади.

Илмий ишда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика ҳамда Давлат мулки қўмиталари, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК, “Ўзбекнефтгаз” Миллий Холдинг компанияси ҳамда даврий матбуот маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, иқтисодий ва молия статистикаси, таққослаш ва график усулларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

-иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишни давом эттиришга қаратилган инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш йўллари;

-Ўзбекистон иқтисодиётига ва корхоналарни модернизация қилишга жалб этилган инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестициялар самарадорлигини баҳолаш ва инвестициялар жалб этишни кенгайтиришни рағбатлантириш усуллари;

-Ўзбекидон ҳудудлари инвестиция стратегиясини шакллантириш ва уни бошқариш механизмини ишлаб чиқишнинг услубий ёндашуви;

-ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун корхонага инвестиция киритиш истиқболлилиги ва жозибадорлигини баҳолаш усули.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилигини - Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаклланган инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантириш механизмларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва уларни ишлаб чиқаришни модернизация қилиш талабларини инобатга олиб такомиллаштириш бўйича асослаб берилган илмий-услубий ва амалий тавсиялар ташкил этади.

Диссертация ишининг янгиликка молик илмий натижалари куйидагилардан иборат:

-мамлакатда шаклланган инвестиция муҳитининг жозибадорлигини иқтисодиёт соҳалари, тармоқлари ва корхоналарига реал инвестициялар жалб этишни фойдалилигини ошириш бўйича макро, мезо ва микро даражадаги максаллар, уларни бажариш йўллари ва усуллари асосланган;

-инвестиция фаолиятини тартибга солишда, уни бевосита ва билвосита бошқаришда давлат, нодавлат ташкилотларининг функция ва вазифаларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

-Ўзбекистонда чет эл инвесторлари учун яратилган шарт-шароитлар ва уларни рағбатлантириш, инвестиция шартномаларини бажариш механизмлари самарадорлиги баҳоланган;

-иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлари ҳамда хусусийлаштириш жараёнларига жалб этилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар динамикаси, таркиби таққосланма таҳлил қилинган ва уларнинг асосий фондлар ўзгариши ва ишлаб чиқариш ўсишига таъсири кўрсатиб берилган;

-асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳамда ўзлаштирилган чет эл сармояларининг республика минтақаларига тақсимланиши бўйича таснифий

белгилари ишлаб чиқилган ва гуруҳлаштирилган;

-инвестиция мажбуриятлари ҳисобига давлат активларини хусусийлаштириш механизмлари таҳлил қилинган ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари асосланган;

-минтақа инвестиция стратегиясини бошқариш механизми ва корхоналарнинг ишлаб чиқаришини модернизация қилишга инвестиция киритиш учун истиқболлилигини баҳолашнинг услубий ёндашувлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари, хулоса ва тақлифлари инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва уни бошқариш усуллари ва механизмлари тўғрисидаги назарий ва амалий билимлар доирасини кенгайтиради. Илмий ишнинг амалий аҳамияти давлат бошқарув органлари ва ташкилотлари томонидан инвестиция фаолиятини такомиллаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш, ҳудудий инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш, корхонада инқирозни олдини олиш чораларини амалга ошириш ҳамда инвестиция фаолияти қонунчилигига кўшимчалар киритишда фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Шунингдек, диссертация материалларидан олий ўқув юртрларида, “Инвестиция фаолиятини ташкил этиш”, “Инвестицияларни бошқариш” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациянинг муҳим илмий ва амалий тавсияларидан “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси инвестиция стратегиясини бошқариш механизмини такомиллаштириш жараёнида (2009 йил 14 январь 01-025-сонли далолатнома), “Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарув ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ қилиш маркази” давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнига чет эл инвестицияларини жалб этишнинг самарадорлигини баҳолаш (2009 йил 30 апрел 25-01/23-сонли далолатнома), Тошкент давлат иқтисодиёт университети хорижий инвестициялар, стратегик менежмент, инвестициялар таҳлиliga оид фанларни ўқитишда (2009 йил 10 апрел 02-1117-сонли далолатнома) фойдаланиш учун қабул қилган.

Ишнинг синондан ўтиши. Мазкур тадқиқотнинг асосий натижалари республикамиз ҳамда халқаро даражадаги анжуманларда муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган, жумладан: «Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш истиқболлари» (Тошкент, 2005 й.), Девятнадцатые международные плехановские чтения (Москва, 2006 й.), «Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ҳамда трансмилий корпорацияларни жалб қилиш муаммолари» (Тошкент, 2008 й.), “Тадбиркорлик менежменти: назария, амалиёт, истиқбол” (Тошкент, 2008 й.). Шунингдек диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ташқи иқтисодий фаолият” кафедрасининг илмий семинарида, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Д.067.06.01-рақамли Ихтисослашган кенгашнинг илмий семинарида, Фарғона политехника институти “Иқтисод ва менежмент” факультети илмий-назарий семинарида муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация натижалари бўйича

жами 8 та, умумий ҳажми 1,2 б.т.га тенг илмий мақолалар ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркибий тузилиши тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 164 бетдан иборат бўлиб, 15 та жадвал, 16 та расм ва 6 та иловаларни ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг илмий - услубий асослари”** деб номланган 1-бобида инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг илмий жиҳатлари, уни фаоллаштириш омиллари ва Ўзбекистонда инвестицияларни иктисодиётга жалб этишни тартибга солиш ва рағбатлантиришнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иктисодий механизмлари тадқиқ этилган.

Ўзбекистон иктисодиётини барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан унинг тармоқлари, корхоналари ҳамда ҳудудларини реал инвестиция фаолиятининг кўлами ва инвестициявий фаоллик даражаси билан белгиланади. Шунининг олдига мамлакат иктисодиётини модернизация қилиш шароитида иктисодиётга реал инвестицияларни жалб этишни кўпайтириш-инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, қўллаб-қувватлаш ва инвестицияларни ўзлаштиришни амалга ошириш механизмлари оидинлигини таъминлашни зарурий шарт қилиб қўяди. Шунининг хисобига олиб диссертациянинг ушбу бобида инвестицион жараёнларни тавсифловчи белгилар, уларни ўзига хос жиҳатлари инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этган олимлар илмий ишлари ўрганилган.²

Ушбу илмий ишларда инвестиция тушунчасига турли қарашлар мавжуд. Масалан, У.Шарп инвестицияларни қуйидагича таърифлайди: “Реал инвестициялар ўз ичига қандайдир моддий ҳис қилинадиган бирон-бир активлар тури (ер, усқуналар, заводлар)га қилинадиган инвестицияларни олади.»³ И.А. Бланк эса “инвестициялар” ва “капитал қўйилмалар” тушунчаларини аниқлаштиришдаги тез такрорланадиган хатоларни белгилаб ўтади. Унинг ёзишича, “инвестициялар бу ҳолатда ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш тавсифга эга асосий воситаларни такрор ишлаб чиқаришга капитални киритишдир. Шу билан бирга, инвестициялар айланма активларни қўшимча оширишга ҳам турлича молиявий

² Иванов Г.И. Инвестиции: сущность, виды, механизмы функционирования. – Ростов на/Д: Феникс, 2002.; Ҳозиев Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: Молия, 2003.; Бельи Е.М. Инвестиционный анализ. Учебно-практ пособие.- Ульяновск, 1995.; Крылов Э.И., Журавкова И.В. Анализ эффективности инвестиционной и инновационной деятельности предприятия – М.: Финансы и статистика, 2001.; Стахова Л.В. Управление инвестициями. - М. 2008

³ Шарп У. и др. Инвестиции. -М. 1997.

воситаларга ҳам номоддий активларнинг айрим турларига ҳам амалга оширилиши мумкин. Демак, капитал қўйилмалар тор маънога эга бўлиб инвестициянинг ўхшаши эмас, балки бир шакли сифатида қўриб чиқилиши мумкин”.⁴

Назарий қарашларни умумлаштирганда макроиктисодий даражада инвестициялар ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқариш, уй-жой фондини, товар захираларини ва шу кабиларни қўшимча оширишга йўналтирилган харажатларнинг қисми, яъни капитални қўшимча ошишига йўналтирилган жорий даврда истеъмол қилинмаган ЯИМ қисми сифатида тушунилади. Ишлаб чиқариш назариясида эса инвестициялар янги капитални такрор ишлаб чиқариш, шу ҳисобда ишлаб чиқариш воситалари ва интеллектуал салоҳиятни ташкиллаштириш жараёни деб назарда тутилади. Молия назариясида инвестициялар реал ва молиявий активларни сотиб олиш яъни келажакда фойда олиш мақсадида ҳозирдаги харажатлар деб тушунилади.

Шуларни ҳисобга олганда муаллиф фикрича, инвестициялар – бу даромад олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида тadbиркорлик ва фаолиятнинг бошқа турлари объектларига инвесторлар томонидан қўйиладиган мулк ва интеллектуал қадриятларнинг барча турларини ифодаловчи маблағларнинг киритилишидир.

Диссертацияда инвестицияларнинг моҳияти, ўзига хос белгилари ва хусусиятларига қараб улар турларини таснифлаш варианты тавсия этилган. У инвестицияларни тартибга солиш, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини улар манбаларининг ишончлилиги, муддати, хавфсизлиги, даромадлиги, давомийлиги ва бошқа белгиларига қараб такомиллаштиришда муҳим амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Илмий ишда мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш ва модернизация қилишни давом эттириш учун инвестиция жараёнларини фаоллаштиришга нисбатан услубий ёндашувлар тавсия этилган. Биринчи ёндашув – макро даражада мамлакатда шаклланган инвестиция муҳитининг жозибadorлигини ошириш ва иккинчи ёндашув – мезо ва микро даражада алоҳида соҳалар, иқтисодиёт тармоқлари, ҳамда корхоналар ва объектларга инвестиция киритиш нафдлигини оширишдан иборат.

Ушбу ёндашувлар доирасида диссертация ишида мамлакатдаги инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар ва шарт-шароитлар таҳлил қилинган ва улар гуруҳларга ажратилган. Шу асосда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида мамлакатда макро ва микро даражада шаклланган инвестиция сиёсати доирасида амалга оширилиши лозим бўлган мақсадлар асослаб берилган (1-расм). Ушбу мақсадларни амалда ижросини таъминлаш нафақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш учун уни модернизация қилиш, балким худудлар, корхоналар инвестиция жозибadorлигини ошириш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, мамлакатимизнинг бой минерал-ҳом ашё ресурсларини, аграр соҳа маҳсулотини қайта ишлашни янада қўпайтириш имкониятларини яратди.

Маълумки, давлат инвестиция сиёсатини қонунчилик, дастурлаш, давлат

⁴ Бланк И.А. Финансовая стратегия предприятия. – Киев. Эьга, Ника центр, 2004.

инвестициялари, субсидиялар, имтиёзлар, ижтимоий ва иқтисодий дастурларни амалга ошириш орқали бошқаради. Шулардан келиб чиқиб диссертация ишида давлат инвестиция сиёсати ва мақсадларини амалга ошириш, давлатнинг иқтисодиётга инвестициялар жалб этишни тартибга солиш усуллари ва воситаларининг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган.



* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1- расм. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция сиёсати мақсадлари

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг мазмуни давлат органлари олдидаги мақсадлар орқали ҳамда инвестиция сиёсатини амалга ошириш вақтида давлат тасарруфидаги маблаг ва воситалар орқали аниқланади. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш давлат ёндашувлари ва қарорлари ҳамда инвестор ўз фаолиятини амалга оширувчи доирадаги ташкилий-ҳуқуқий шакллариининг бирлигини намоён этади. Инвестиция фаолиятини тўғридан-тўғри давлатнинг тартибга солиши ва бошқариши табақалашган солиқ ставкалари ва имтиёзларга эга солиқ тизимида, дотациялар, субсидиялар, бюджет қарзлари, имтиёзли кредитлар кўринишидаги молиявий ёрдамда, молия-кредит сиёсатида, нарх шаклланишида, қимматли қогозларни чикаришда, амортизация сиёсатида акс этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, инвестицияларини жалб қилишни тартибга солиш учун ҳукуматлар турли ташкилий механизмлардан фойдаланишади. Айрим давлатларда ушбу вазифани вазирлик ва идоралар муваффақиятли бажаришади, бошқаларда эса ушбу мақсадлар учун махсус муассасалар ташкил этилган. Халқаро тажрибалар тахлили тўғридан-тўғри инвестицияларни, шу жумладан чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва бошқариш жараёнларини ташкил қилишнинг бир нечта турини ажратишга имкон берди ва шуларни инobatга олиб диссертацияда мамлакатимизда давлат томонидан инвестиция жараёнларини тартибга солишнинг ташкилий тузилмаси кўриб чиқилган. Унинг биринчи блокига Инвестиция дастурининг шаклланиши


ва амалга оширилишида иштирок этувчи давлат ва нодавлат тузилмалари киритилган. Иккинчи блокка эса чет эл инвестицияларини жалб қилиш, рағбатлантириш ва ишлатиш билан боғлиқ бўлган давлат бошқарув тузилмалари, учинчи блокка инвестицияларни жалб этишга кўмаклашувчи нодавлат ташкилотлар ва корхоналар киритилган.

Диссертацияда ушбу блокларга киритилган тузилмалар функциялари ва вазифалари таҳлил қилинган, уларни такомиллаштириш йўналишлари тавсия этилган. Муаллиф фикрича инвестицияларни тартибга солиш билан шуғулланувчи ташкилотлар вазифалари каторига инвесторларнинг хусусийлаштирилаётган корхоналардаги мулк улушларини баҳолаш ва химоялаш; худудлар инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни бошқариш ҳамда корхоналарни инвестиция киритиш учун истикболлигини баҳолаш ва уни мониторингини юритишни киритиш тавсия этилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг янги институтлари яратилди. Улар Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларида ўз аксини топган ва бозор иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида давлат инвестиция сиёсатини, хорижий капиталларнинг эркин муомаласини, хавф-хатар қафолатларини таъминлайди ва чет эл инвестицияларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ривожлантиришга жалб этишни рағбатлантириш механизмларини ўз ичига олади.

Шундан келиб чиқиб илмий ишда мамлакат иқтисодиётига инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган шарт-шароитлар ўрганилган ва шу асосда уларни амалга ошириш механизми кўрсатиб берилган (2-расм). Таҳлиллар шуни кўсатадики, Ўзбекистон Республикасининг инвестицияга оид қонунчилиги ҳалқаро инвестиция ҳуқуқининг асосий қондаларини, хусусан, чет эл инвесторлари ҳуқуқини қафолатлаш тўғрисидаги қондаларни, инвесторларга алоҳида устунликлар бериш, уларга берилган қафолат ва имтиёзларнинг амалга оширишнинг ишончли механизмларини ўз ичига олади. Булар чет эллик сармоядорларга Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиши, уларнинг манфаатлари ва капиталларини химоялаш учун энг қулай шароитларни яратади.

Шунингдек, диссертацияда иқтисодиётнинг етакчи соҳаларидаги йирик корхоналарнинг активлари ва акциялар пакетларини (шу ҳисобда давлатга тегишли акциялар назорат пакетини) асосан чет эл инвесторларига, хусусий мулкга сотиш, бунда инвестор экспортга мўлжалланган маҳсулотни чиқариш мақсадида корхоналарни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва ишлаб чиқаришда иштирок этишнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари баҳоланган. Охириги йилларда Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштиришнинг турлича усуллари жорий этилган, жумладан, инвесторларга акцияларни ким ошди савдолари ва танловлар орқали сотиш.



* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2- расм. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни амалга ошириш механизмлари

Бунда инвестор томонидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш, модернизация қилишга, корхонанинг бюджет олдидаги қарзларини тўлаш, иш жойларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга етарли бўлган инвестиция

мажбуриятларини олиш ва бажариш кўзда тутилган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, республикада яратилган инвестицияларни тартибга солишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлари корхоналарга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш имкониятини беради, бу эса нафақат хусусийлаштириш жараёнига қўмақлашади, балки янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ва мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ҳамда техник жиҳатдан қайта қурулантиришга кенг имкониятлар яратади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон иқтисодиёти ва корхоналарини модернизация қилишга жалб этилган инвестициялар самарадорлигини баҳолаш”** деб номланган иккинчи бобида республика минерал хом-ашё ресурслари таркиби ҳамда иқтисодиётнинг базавий тармоқларининг ишлаб чиқариш салоҳияти инвестицияларни жалб этишнинг муҳим омиллари сифатида таҳлил қилган, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга, хусусийлаштирилган корхоналарга киритилган инвестицияларнинг, шу жумладан хорижий инвестицияларнинг таркибий ўзгариши ва самарадорликлари баҳоланган.

Ўзбекистонда мавжуд йирик минерал хом-ашё ресурсларини қазиб олиш ва ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш катта капитал маблағларни талаб этади ва бу чет эл инвестициялари учун юқори фойда олиш имкониятини берувчи йўللardan бири ҳисобланади. Шуларни инобатга олиб илмий ишда юқори инвестиция салоҳиятига эга бўлган ёнилғи – энергетика ресурслари, рангли, қимматли ва ноёб металллар ҳамда бошқа минерал хом-ашё ресурслар заҳиралари, уларни тавсифловчи асосий кўрсаткичлар, инвестициялар киритишга булган эҳтиёжлар, бошқариш тузилмалари ҳамда ушбу соҳаларга киритилган инвестициялар таркиби ва динамикаси таҳлил қилинган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсати ва сармоядорлар учун яратилган инвестиция муҳитининг қулайлигини ҳамда иқтисодиётнинг базавий тармоқларини ўсиш суръатлари барқарорлашганлиги кўрсатади.


Таҳлиллар шунини кўрсатадики, ўтган 2006-2007 йиллар давомида фақат ёнилғи – энергетика саноатига қарийиб 1,7 трлн. сўм инвестициялар киритилган. Шундан 1,1 трлн. сўми 2007 йилга тўғри келади. Ушбу соҳага 2007 йилда киритилган инвестицияларнинг 45,5 фоизи хорижий инвестиция ва кредитлардир. Булар ўз навбатида ёнилғи – энергетика саноати ишлаб чиқариш ҳажминини ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Агар 2006 йилда соҳанинг ишлаб чиқариш ҳажми 3937,9 млрд. сўм бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилда 5007,1 млрд. сўм бўлган ёки шу даврда ўсиш 27,1 фоизни ташкил этган. Шундай ўсиш суръатлари металлургия, кимё, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатида ҳам кузатилади.

Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар таркиби шунини кўрсатадики, бюджет маблағлари ҳисобига киритилган инвестициялар 2000 йилда 29,2 фоиз бўлган ва бу 2007 йилда 9 фоизгача пасайган. Бу марказлашмаган инвестициялар, яъни корхоналар ва аҳоли маблағлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар, тижорат банклари кредитлари ва бошқа маблағлар асосий қатталга йўналтирилиши мунтазам ошиб бorganини кўрсатади. Кейинги 8 йил мобайнида (2000-2007 йй.) асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 7,4 мартага ошган ва у 2007 йилда 5479,7 млрд.сўмни ташкил этган (3-расм). Улардан корхоналарни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлашга

45,5 % инвестициялар йўналтирилган. Бу 2000 йилга нисбатан 3,6 фоизга кўпдир.

Сўнгги йилларда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашнинг янги дастурларини қабул қилиниши натижасида иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёни фаоллашди.

Иқтисодиёт тармоқларида 2007 йилда 1247,7 млрд. сўмлик чет эл инвестициялари ва кредитлари ўзлаштирилди, бу 2000 йилга нисбатан 8,3 баробарга кўплигини кўрсатади.



* Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

3-расм . Асосий капиталга киритилган инвестиция ҳамда ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредит ҳажмлари ўзгариши динамикаси

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича ҳар томонлама ўйлаб ишлаб чиқилган давлат сиёсати иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини таркибий ўзгартиришда муҳим восита бўлиб қолмоқда. Таъкидлаш жоизки, охириги 8 йилда чет эл инвестициялари асосан саноат тармоқларига жалб қилинди. 2006 йилда ушбу соҳадаги чет эл инвестициялари амалдаги нархларда 349,4 млрд. сўмни (уларнинг умумий ҳажмидан 46,7 фоизи) ва 2007 йилда 57,7 фоизни ташкил қилди.

Ишлаб чиқариш соҳасига 2006 йилда чет эл инвестицияларининг 84,7 фоизи ва ноишлаб чиқариш соҳаларига 15,3 фоизи йўналтирилган бўлса, 2007 йилда инвестицияларнинг 90,9 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига ва 9,1 фоизи ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган. 2007 йилда 2000 йилга нисбатан чет эл инвестицияларини жалб қилиш кўрсаткичининг ижобийлиги транспорт ва алоқа (+ 0,9 физ пункти), савдо ва умумий овқатланиш (+ 0,4) ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаларида (+2,1) кузатилди.

Таҳлиллар кўрсатишича, чет эл капиталини корхоналар ҳўжалик амалиётида ишлатиш ва икки томонлама фойдали асосларда жалб қилиш ишлаб

чиқаришни модернизация қилишга, замонавий инновацияларни ўзлаштиришга олиб келмоқда. Масалан, 2006 йилда “Ўзбекенгилсаноат” ДАК 11та 100 % чет эл капиталли мавжуд корхона, 10та қўшма корхона ишга туширилган, бир қатор ишлаб чиқариш қувватлари техник жиҳатдан қайта қуроллантирилган. Инвестиция киритишни ушбу йўли билан бошқа соҳалар, аввало иқтисодиёт ўсишини таъминловчи электроэнергетика, нефт ва газ мажмуаси, машиносозлик, металлургия, қурилиш материаллари саноати ҳам ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Республика иқтисодиётига инвестицияларни, шу ҳисобда чет эл инвестицияларини жалб қилиш, асосий фондларнинг ишга туширилишини сезиларли кўпайтиришга имкон берди. Агарда 2001 йилда республикада 990,0 млрд. сўмлик асосий фондлар ишга туширилган бўлса, 2006 йилда ушбу кўрсаткич 3542,1 млрд. сўмни ташкил этди⁵. Улардан 33,5 фоизи давлат улушига тўғри келган бўлса, 66,5 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига тўғри келди.

Шу даврда мазкур ўзгаришлар республика ҳудудларида ҳам амалга оширилди. Асосий фондларнинг ишга туширилишининг юқори даражалари Қашқадарё вилоятида (2001 йилда 102,6 млрд. сўм, 2006 йилда 559,8 млрд. сўм), Тошкент вилоятида (мос равишда 87,1 млрд. сўм; 345,7 млрд. сўм), Фарғона вилоятида (88,4 млрд. сўм; 231,8 млрд.сўм), Тошкент шаҳрида (257,2 млрд. сўм; 809,0 млрд. сўм) кузатилди. Республика ҳудудларининг фондлар билан таъминланганлик даражаси ошиши мамлакатда ҳукумат томонидан олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг тўғрилигидан далолат беради.

Республика ҳудудларининг ривожланишида алоҳида ўринни хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (ХИК) эгаллайди. Статистика маълумотлари кўрсатишича, 2008 йилнинг бошида республикада 3579та ХИКлар мавжуд бўлиб, бу 2006 йилга нисбатан 660тага, 2000 йилга нисбатан 1248тага кўпайган. ХИКлар сонининг тез ўсиши Тошкент вилоятига (100тага) ва Тошкент шаҳрига (573тага) тўғри келди. ХИКларнинг сони ошиши ва ҳукумат томонидан қабул қилинаётган чоралар ушбу тоифадаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда экспорт ва импорт ҳажмларини ошириш имконини берди. ХИКлар импорт ҳажмларининг ўсиши 2000-2007 йилларда 3,1 баробарни ташкил этди. Уларнинг экспорти 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 2,5 баробардан ошиб, 2063,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди, бу эса республика умумий экспорт ҳажмининг 23 фоизидир. Умуман 2007 йил натижалари бўйича ХИКларнинг ташқи савдо айланмаси 4,4 млрд АҚШ долларини ташкил этди.

Илмий ишда Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига инвестициялар, шу жумладан чет эл инвестицияларини таъсирини баҳолашга алоҳида ўрин берилган.

Бунинг учун охириги йиллар тадқиқотларида кенг қўлланилаётган аҳоли жон бошига ҳисобланган инвестициялар миқдори кўрсаткичидан фойдаланилди. Мазкур кўрсаткич ҳудудларда яшовчи аҳоли сони ҳисобга олинган ҳолда инвестициялар қандай тақсимланганлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб диссертацияда мавжуд ахборотларга таяниб, республика ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш, жами инвестициялар

⁵Йиллик статистик тўплам - 2007. ЎзР Давлат статистика қўмитаси, 2008.

киритиш миқдори ва ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ва кредитлари (1-жадвал) ҳисобланган ва 2007 йил маълумотларидан фойдаланиб республика минтақалари ушбу кўрсаткичлар бўйича гуруҳларга ажратилган.

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси минтақаларида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ва киритилган инвестициялар ўзгариши (минг сўм)

Минтақа	Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот			Минтақа аҳоли жон бошига киритилган инвестициялар		
	2000	2003	2007	2000	2003	2007
Ўзбекистон Республикаси	130,8	381,6	1047,8	30,2	77,4	217,9
Қорақалпоғистон Республикаси	72,9	202,1	471,4	23,7	85,2	377,7
Андижон вилояти	110,1	294,4	768,1	16,7	51,4	81,6
Бухоро вилояти	148,3	403,0	985,9	21,8	61,2	467,4
Жиззах вилояти	92,6	322,5	711,6	17,7	47,8	99,7
Қашқадарё вилояти	107,2	327,4	855,6	56,7	136,7	351,5
Навоий вилояти	183,5	686,3	2101,5	58,6	181,1	526,8
Наманган вилояти	85,8	237,9	475,0	21,6	38,1	105,1
Самарқанд вилояти	97,7	267,2	609,7	15,8	39,2	102,6
Сурхондарё вилояти	92,1	257,8	548,6	15,8	46,7	145,9
Сирдарё вилояти	121,7	337,0	692,6	26,5	47,7	129,4
Тошкент вилояти	146,5	420,8	1176,8	25,6	70,8	205,7
Фарғона вилояти	138,6	321,0	766,7	19,5	37,9	92,6
Хоразм вилояти	102,2	266,3	669,1	19,3	33,1	110,5
Тошкент шаҳри	180,9	548,7	1890,4	85,4	231,3	507,4

*Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳудудларга киритилаётган ва ўзлаштирилган инвестициялар, уларда ялпи минтақавий маҳсулотнинг ўзгариши билан уйғунликка эга, яъни қатта ҳажмда инвестицияга киритилган минтақада ялпи маҳсулотлар ҳажми ва уни ўсиш тезлиги ҳам нисбатан юқори. Шу билан бир қаторда, айрим саноати ривожланмаган ҳудудларга инвестициялар нисбатан кам тақсимланган, шу боис аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулоти ўсиш даражаси бундай ҳудудларга нисбатан паст. Бу ҳудудлар авваломбор юқори қўшимча қиймат яратувчи соҳалар, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнесни бир текис ривожлантириш учун инвестициялар жалб этишни кенгайтиришни тақозо этади.

Охирги йилларда давлат томонидан хусусийлаштириш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича кенг миқёсдаги чора-тадбирлар қабул қилинди, корхоналар ва объектларнинг давлат активларини сотиш усуллари ишлаб чиқилиб, аниқ шароитларга мослаштирилди, инвесторлар учун турли рағбатлар ва имтиёзлар жорий қилинди, бу эса қисқа муддатларда сезиларли натижаларга

эришиш имконини берди.

2005-2007 йилларда давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар ва объектларга инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилинганлиги ҳисобига 65261,4 минг АҚШ доллари ва 56272,7 млн. сўм жалб қилинди ва улар асосан корхоналарни модернизация қилиш ва қайта қуролантиришга йўналтирилди. Шу даврда инвестиция мажбуриятлари ҳисобидан жалб қилинган инвестицияларнинг энг кўп ҳажми Тошкент шаҳрига (умумий ҳажмининг 37,1 фоизи), Самарқанд (17,8 фоизи) ва Тошкент вилоятларига (16,1 фоизи) тўғри келади. Қолган барча ҳудудлар бўйича инвестиция мажбуриятлари 29 фоизни (18905,4 минг АҚШ доллари) ташкил этди.

Инвесторлар томонидан 2005-2007 йилларда ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг энг кўп миқдори Хоразм вилоятига (16873,1 млн. сўм) ва Тошкент шаҳрига (10002,1 млн. сўм) тўғри келади. Кейинги ўрида жами мажбуриятлари миқдори 17,5 фоизни ташкил этган Навоий ва Қашқадарё вилоятлари туради. Республиканинг қолган ҳудудларига 34,7% инвестиция мажбуриятлари тўғри келади. Таҳлил кўрсатганидек, республика ҳудудларининг иқтисодий салоҳияти каттадир, аммо инвесторларга корхоналар ва объектларни инвестиция мажбуриятлари билан сотиш жараёни Андижон, Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида суғ амалга оширилган.

Булардан кўринадики чет эл сармояларини ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилишга йўналтириш корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг янгилашишига олиб келмоқда. Булар хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш билан бирга, корхоналарга жалб этилаётган инвестициялардан самарали фойдаланилаётганлигини ҳам кўрсатади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни тартибга солиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш йўллари”** деб номланган учинчи бобда хусусийлаштирилаётган корхоналарга инвестицияларни жалб этиш, инвестиция мажбуриятларини бажариш тартиблари ўрганилган ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилган, ҳудудий инвестиция стратегиясини шакллантириш ва уни бошқариш механизми тавсия этилган, корхоналарни инвестиция киритиш учун истиқболлигини аниқлаш бошқичлари ва уни синаб кўриш натижалари изоҳланган.

Маълумки, республика ҳукумати миллий ва хорижий инвесторларга инвестиция мажбуриятлари олиш ҳисобига давлат активларини хусусийлаштиришга катта эътибор бермоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу тартиб амалда самарали қўлланилиб келинмоқда. Натижада инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда мақбул ва самарали ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш, ишчи ўринларни кўпайтириш, республика бозорини юқори технологик маҳсулотлар билан тўлдириш таъминламоқда. Шу билан бирга илмий ишда таъкидланганидек, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш, уни бажарилишини мониторингини олиб бориш, инвесторларни инвестиция мажбурияти сифатида корхонага киритган инвестицияларини устав жамғармасида ҳисобга олиш ва инвесторга мулк ҳуқуқини бериш механизмларини қайта кўриб чиқиш бугунги

кунда долзарб саналади. Шундан келиб чиқиб диссертацияда хусусийлаштирилган корхоналарнинг низом жамғармасига ўзгартиришлар киритиш ва инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилганидан кейин уни қайта таксимлаш тартибига тегишли қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар асослаб берилган.

Тахлиллар кўрсатадики, ҳудудларга хусусийлаштириш ва бошқа йўналишдаги ўзгаришлар орқали киритилган инвестициялар ҳудудларнинг салоҳиятини анча оширди. Барча ҳудудларда янги ишлаб чиқаришлар, транспорт коммуникациялари ва бошқа объектлар ишга туширилди, бошқариш тузилмалари тубдан ўзгарди. Шу билан бирга ҳудудлар салоҳиятини янада юқори бўлиши Ўзбекистон шароитида инновация фаолиятини ривожлантириш юқори самара беради. Бу ҳудудларнинг инвестиция стратегиясини шакллантириш ва уни бошқариш механизмини ишлаб чиқиш зарурияти келтириб чиқаради. Муаллиф фикрича, ҳудудий инвестиция стратегиясининг бошқариш механизмини, ҳудудни ривожлантириш мақсадларига эришиш учун ҳудуд даражасида давлат ҳокимияти органлари томонидан қўлланиладиган, ҳудудда инвестиция жараёнларига таъсир этувчи инвестиция ресурслари, усуллари, воситалари, дастаклари мажмуаси сифатида шакллантириш лозим.

Ҳудудий инвестиция стратегияси ва уни бошқариш механизми ўз ичига қуйидагиларни олади: бошқариш мезонларига ўзгартирилган бошқариш мақсадлари (мақсадларнинг миқдорий ўхшашлиги); бошқариш омиллари (бошқариш объектнинг унсурлари ва уларнинг алоқалари бўлиб, уларга қўйилган мақсадларга эришиш учун таъсир қилинади); омилларга таъсир қилиш услублари (қўйилган мақсадларга эришиш воситалари, усуллари ва технологияси); бошқариш ресурслари (моддий-техникавий, молиявий, ижтимоий, институционал ва бошқа ресурслар, булардан фойдаланилганда бошқаришнинг танланган услуби амалга оширилади ва қўйилган мақсад бажарилиши таъминланади). Ҳудудий инвестиция стратегиясини бошқариш механизми шаклланишининг асосини бошқаришнинг аниқ субъектлари ва объектлари ташкил қилади.

Юқорида - изоҳланганларни инобатга олиб диссертацияда ҳудудий инвестиция стратегиясини бошқариш механизми шаклланиши ва уни амалга ошириш бошқарилари ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ биринчи босқич - бошқариш объектлари ва ушбу объектларнинг ҳолати ёки фаолиятини ўзгартириш мақсадларини аниқлаш, мақсадларни ҳудудий инвестиция тизимининг субъектлари билан келишишдан иборат. Иккинчи босқич - топшириқларни бажариш ва қўйилган мақсадларга эришиш учун таъсир этиш зарур бўлган бошқариш омилларини аниқлашдан иборат. Бундай омиллар сифатида бошқариш объектлари хусусиятлари, уларнинг бошқа элементлар билан алоқалари, бошқариш объектнинг инвестиция муҳити билан алоқаси ҳисобланиши мумкин. Учинчи босқич - бошқариш омилларига таъсир этиш усулларини аниқлашдан иборат. Таъсир этиш хусусияти омилнинг табиати ва унинг таъсир этиш усулларига сезгирлигига боғлиқ. Инвестиция стратегиясини бошқариш механизми шаклланишидаги тўртинчи босқич - бошқаришнинг зарур ресурслар мажмуасини аниқлашдан иборат бўлиб, улар ёрдамида бошқаришнинг тегишли

омиллари ҳолатига бошқарув таъсири ташкил этилади. Шундай қилиб, таклиф этилган ҳудудий инвестиция стратегиясини бошқариш ва уни амалга ошириш механизми, бу республика ва ҳудудий бошқариш тузилмаларини ҳудудий инвестицион ривожланиш стратегиясида белгиланган мақсадларига эришиш учун ҳудуд инвестиция тизимининг барча субъектларига мақсадли таъсир қилишдир.

Ушбу механизмнинг самарали ишлаши инвестиция стратегиясини амалга ошириш учун зарур ва етарли бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳудуд иқтисодиётининг аниқ тармоқ ва соҳаларида инвестиция фаолиятини режалаштириш ва юритиш бўйича услубий ишланмалар, стратегияни бошқариш механизмининг ахборот таъминоти мавжуд бўлишига боғлиқ. Диссертацияда ана шу ҳужжатлар, услубий ишланма ва ахборотлар таркибий қисмлари ҳамда уларга қўйиладиган асосий талаблар асослаб берилган.

Ҳозирги кунда республика ҳудудларида фаолият юритаётган корхоналар ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг асосий манбаларидан бири бу чет эл инвестицияларидир. Аммо, уларнинг қўли чет эл инвесторлари учун қизиқарсиз деб ҳисобланади. Бунинг сабаби, уларнинг жозибadorлигини баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар етарли эмаслиги. Шуни ҳисобга олганда ҳудудларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун корхоналарнинг жозибadorлиги ва истикболлигини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб диссертацияда корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун инвестиция киритиш ва жозибadorлигини баҳолашнинг услубий асослари тавсия этилган. Унинг асосини корхоналарни технологик ва истеъмол даражасини ҳамда рақобатбардошликка қобиллигини тавсифловчи омилларни баҳолаш ташкил этади. Илмий ишда ушбу баҳолашни амалга ошириш босқичлари ва кўрсаткичларини ҳисоблаш алгоритмлари асослаб берилган. Бунинг учун 3-5 йиллик маълумотларидан фойдаланиб корхонанинг молиявий кўрсаткичлари ҳисобланади. Илмий ишда республика саноат тармоғи акциядорлик компанияси тизимига кирувчи корхоналар бўйича молиявий кўрсаткичлар ҳисобланган.

Диссертацияда амалга оширилган ҳисоб-китоблар таҳлили натижасида инвестицияларни ўзлаштириш ва уни қайтариш бўйича истикболли, юқори инвестиция салоҳиятига эга, инвестиция киритишга салоҳияти мавжуд ва инвестиция жозибadorлиги паст деб баҳоланган корхоналар танланган. Илмий ишда тавсия этилган ушбу услубий ёндашув турли мулкчилик шакли ва ихтисосликга эга бўлган корхоналарни инвестиция киритишга истикболлик даражаси ва жозибadorлигини баҳолашда фойдаланилиши мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш инвестиция фаолиятининг самарadorлигига боғлиқ. Инвестиция фаолияти самарadorлигини ошириш ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим устуворликларидан бири сифатида қаралиши лозим. Республика иқтисодиётининг ўсиш суръатлари, салоҳияти ва хусусиятлари инвестиция жараёнлари ривожланишининг динамикасига боғлиқдир. Шуни

инобатга олганда инвестиция жараёнларининг давлат томонидан тартибга солиниши иқтисодиётдаги мутаносибликлар ва таркибий ўзгаришларнинг муҳим механизми ҳисобланади.

2. Жаҳон амалиётида инвестиция жараёнларини тартибга солиш ва бошқариш бўйича катта таърибга тўпланган. Кўпгина мамлакатларнинг иқтисодий илмида инвестиция таъминотини бошқаришнинг турли воситалари ва механизмлари ишлаб чиқилган ва самарали қўлланилади. Шу билан бирга, тадқиқотлар кўрсатганидек, чет эл усулларини Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари, ҳўжалик механизми, менталитети ва бошқа омиллари туфайли тўғридан-тўғри қўллаш мумкин эмас. Ҳозирги босқичдаги устувор вазибаларни ва иқтисодиётнинг ўтган йилларда ривожланишининг натижаларини ҳисобга олиб инвестицияларни бошқариш шакллари, усуллар ва механизмларини ривожлантириш муҳимдир.

3. Диссертацияда республикада амалга ошириладган инвестиция сиёсатининг тамойилларига асосланган ҳолда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида унинг мақсадлари шакллантирилган ва улар икки йўналишда гуруҳлаштирилган:

- макродаражада (кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш сиёсатини амалга ошириш; фан-техника тараққиётни жадаллаштириш; мамлакат иқтисодиётининг сифатини ва рақобатбардошлигини таъминлаш; ҳудудларни ривожлантириш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; ижтимоий соҳа, фуқаролик жамиятини ривожлантириш; соғлиқни сақлашни, маданиятни ривожлантириш ва ҳоказо).

- мезо ва макродаражада (ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш; ҳудудлар ва корхоналар маҳсулотларининг сифатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини таъминлаш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни ташкил қилиш; ишлаб чиқаришни янада юқори техник даражага олиб чиқиш; қимматли қоғозларни сотиб олиш ва бошқа корхоналар активларига капиталлар киритиш).

4. Республикада амалга ошириладган инвестиция сиёсати ва чет эл, хусусан тўғридан-тўғри (стратегик) ва портфел (молиявий), инвестицияларини жалб қилиш турларини таҳлил қилиш уларни шакллари бўйича гуруҳлаш имконини берди. Бунда корхоналар, объектларнинг инвестиция мажбуриятларига эга ёки инвестиция мажбуриятларисиз акциялар пакетини ёки тўлиқ биржа ва биржадан ташқари савдоларда сотиб олиш орқали инвестиция жараёнига жалб қилиш асосий ўринни эгаллайди.

5. Тадқиқотлар кўрсатишича, республиканинг инвестиция жараёни нафақат капитал қўйилмалари, шу ҳисобда чет эл инвестициялари миқёсининг кенгайиши, балки уларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилишини такомиллаштиришни ва инвестицияларни самарали, рақобатбардош ишлаб чиқаришларга йўналтиришни кўзда тутди. Диссертацияда ана шу мақсадлар учун инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишни ҳамда чет эл инвестицияларини жалб қилиш, фойдаланиш ва рағбатлантириш тизимини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасида инвестиция жараёнини тартибга солишнинг ташкилий тузилмаси асосланган ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишни давом эттириш шароитида улар вазибаларини такомиллаштириш

бўйича тавсиялар берилган.

6. Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни кафолатловчи ва рағбатлантирувчи механизмларни тадқиқот қилиш қўйидагиларни кўрсатди. Қонунчилик асосида чет эл инвестицияларини умумий кафолатлаш ва химоя қилиш чоралари билан бир қаторда қўшимча имтиёзлар ҳам берилган. Қўшимча кафолатлар ва химоя қилиш чоралари (имтиёз ва устунликлар) Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолатлари, давлат томонидан яратилган махсус божхона, солиқ, тўлов режимлари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда қўмаклашиш, буларнинг ҳаммаси ҳукумат ва чет эл инвестори ўртасида инвестиция шартномасини тузиш орқали амалга оширилади. Шундай қилиб, республикада мавжуд бўлган ҳуқуқий база ва рағбатлантирувчи ва кафолатловчи механизмлар малакатимизда чет эл инвесторларига ҳамкорлик қилиши учун энг қулай шароитларни яратиб бермоқда.

7. Ўзбекистонда сўнгги йиллар давомида инвестиция жараёнларининг фаоллашуви кузатилмоқда. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш жараёнини фаоллаштириш, йиллик Инвестиция дастурларини амалга ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ҳамда иқтисодийётнинг муҳим соҳаларини модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш бўйича жалб этилаётган инвестициялар ҳажми ошишини таъминлади ва бу динамик равишда ўсиб бориш хусусиятига эга. Таҳлиллар кўрсатганидек, инвестицияларнинг катта қисми мамлакат хавфсизлигини таъминловчи ва инфратузилма шаклланишининг тезлашишига қўмаклашувчи иқтисодийётнинг асосий тармоқлари – саноат, транспорт, алоқа ва бошқа соҳаларни ривожланишига киритилди. Умуман олганда, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва жойларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришлар саноатда инвестицияга талабнинг ўсишига қўмаклашди.

8. Таҳлил кўрсатганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда вужудга келган қулай иқтисодий муҳит чет эл инвестицияларини жалб қилиш шароитларини ва рағбатлантириш механизмини сезиларли даражада яхшилади. Аммо, ушбу жараённинг барча жиҳатлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун бозор муносабатларига мос бўлган ва ўз ичига инвестиция қилишнинг хусусий ва давлат шакллари камраб олган ташкилий-иқтисодий механизмни янада такомиллаштириш лозим. Бунда қўйидагилар талаб этилади: инвестиция фаолиятининг турли субъектлари ўртасидаги алоқаларни макбуллаштириш, алоҳида корхона, тармоқ, миллий иқтисодийёт ва минтақа даражасида ҳам инвестиция стратегияларини бошқаришга тегишли усулларни ишлаб чиқиш. Ушбу масалалар асосий бўлиб, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалалари билан ҳам, кичик тадбиркорликни ривожлантириш масалалари билан ҳам ўзаро боғлиқдир. Шуларни инобатга олиб диссертацияда ҳудудий инвестиция стратегиясини шакллантириш ва уни бошқариш ҳамда корхоналар инвестиция жозибдорлигини молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар орқали баҳолашнинг услубий ёндашувлари тавсия этилган.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Собиров А.А. Эффективность использования иностранных инвестиций в Республике Узбекистан. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви ва иқтисодий эркинлаштириш шароитида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш истиқболлари. Маърузалар тўплами. Тошкент: ТДИУ, 2005. - 29-31 б.
2. Собиров А.А. Формирование благоприятного инвестиционного климата в экономике. Девятнадцатые международные пехановские чтения. Тезисы докладов. Часть II. Москва, 2006. - с.111-112.
3. Khodiev B., Sobirov A.A. Quotation of Investors of Uzbekistan. “Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ҳамда трансмиллий корпорацияларни жалб қилиш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманининг тезислар тўплами. Тошкент: ТДИУ, 2007. - 4-6 б.
4. Собиров А.А. Минтақанинг инвестиция стратегиясини бошқариш механизмини шакллантиришга нисбатан услубий ёндашувлар. “Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари”. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. Тошкент: ТДИУ, “Иқтисод-молия”, 2008. - 181-183 б.
5. Собиров А.А. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни янада кўпайтириш омиллари. // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент: 2008, №4.- 125-126 б.
6. Собиров А.А. Механизмы привлечения иностранных инвестиций в приватизируемые предприятия. “Тадбиркорлар менежменти: назария, амалиёт, истиқбол” Республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. Тошкент: ТДИУ, “Иқтисодиёт” нашриёти, 2008. - 24-26 б.
7. Собиров А.А. Инвестиционная политика и управление привлечением инвестиций в экономику Республики Узбекистан. “Тадбиркорлар менежменти: назария, амалиёт, истиқбол” республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами.- Тошкент: ТДИУ, “Иқтисодиёт” нашриёти, 2008.- 26-29 б.
8. Собиров А.А. Методический подход к формированию механизма управления инвестиционной стратегией региона. //O'zbekiston qishloq ho'jaligi.- Тошкент: 2009, №3. – 32 б.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор А.Собировнинг 08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш (хусусийлаштирилаётган корхоналар маълумотлари асосида)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч сўзлар: инвестициялар ва инвестиция фаолияти, инвестиция сибсати, тартибга солиш ва бошқариш, инвестиция муҳити, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, давлат активлари, хусусийлаштириш, инвестиция стратегиясини бошқариш, инвестициявий жозибadorлик.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг тармоқлари, хусусийлаштирилаётган корхоналар ва ҳудудлар.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистонда давлат томонидан инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва инвестицияларни жалб этиш жараёнларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот усули: тизимли таҳлил, иқтисодий ва молия статистикаси, таққослаш ва график усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: мамлакатда шакланган инвестиция муҳитининг жозибadorлигини иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларига реал инвестициялар жалб этишни фойдалилигини ошириш бўйича макро, мезо ва микро даражадаги мақсадлар, уларни бажариш йўллари ва усуллари асосланган; инвестиция фаолиятини тартибга солишда ва уни бевосита ва билвосита бошқаришда давлат ва нодавлат ташкилотларининг функция ва вазифаларини такомиллаштиришнинг йўналишлари бўйича тавсиялар берилган; Ўзбекистонда чет эл инвесторлари учун яратилган шарт-шароитлар ва уларни рағбатлантириш, инвестиция шартномаларини бажариш ҳуқуқий таҳлил қилинган ва механизмлари самарadorлиги баҳоланган; иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар ҳамда хусусийлаштириш жараёнларига жалб этилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар динамикаси, таркиби таққосланма таҳлил қилинган ва уларнинг асосий фондлар ўзгариши ва ишлаб чиқариш ўсишига таъсири баҳоланган; асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳамда ўзлаштирилган чет эл сармояларининг республика минтақаларига тақсимланиши бўйича гуруҳларга бўлинган ва улар самарadorлигига баҳо берилган; инвестиция мажбуриятлари ҳисобига давлат активларини хусусийлаштириш механизмлари таҳлил қилинган ва уларнинг самарadorлигини ошириш йўллари асосланган.

Амалий аҳамияти: давлат бошқарув органлари ва ташкилотлари томонидан инвестиция фаолиятини такомиллаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш, ҳудудий инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш, корхонада инқирозни олдири олиш чораларини амалга ошириш, инвестиция фаолияти қонунчилигига қўшимчалар киритиш, Олий ўқув юртларида “Инвестиция фаолиятини ташкил этиш”, “Хорижий инвестиция асослари” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарadorлиги. Диссертация ишининг асосий хулоса ва натижалари халқаро ва республика илмий анжуман ва семинарларида муҳокама қилинган ва маъқулланган. Шунингдек “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси, Давлат мулки қўмитасининг Тадқиқотлар марказида республика корхоналарга инвестицияни жалб қилиш бўйича қарорларни қабул қилиш ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланмоқда.

Қўлланиш соҳаси. Инвестиция ва инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш соҳалари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Собирова А. на тему: «Совершенствование механизмов государственного регулирования привлечения инвестиций в экономику Республики Узбекистана (на материалах приватизируемых предприятий)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 – «Менеджмент и маркетинг»

Ключевые слова: инвестиции инвестиционная деятельность, инвестиционная политика, регулирование и управление, инвестиционный климат, модернизация производства, государственные активы, приватизация, управление инвестиционной стратегией, инвестиционная привлекательность.

Объект исследования: экономика Узбекистана, ее отрасли, приватизированные предприятия и регионы.

Цель работы: Разработка научно-методологических и практических рекомендаций по совершенствованию механизма управления процессов привлечения инвестиций и государственного регулирования инвестиционной деятельности в Узбекистане.

Метод исследования: системный анализ, экономическая и финансовая статистика, сопоставительные и графические методы.

Полученные результаты и их новизна: обоснована цель повышения привлекательности сложившегося в стране инвестиционного климата, пользы привлечения реальных инвестиций в сферы и отрасли экономики на макро, мезо и микроуровне, пути и методы их выполнения; даны рекомендации по направлениям совершенствования государственных и негосударственных функций и задач в упорядочении инвестиционной деятельности в посредственном и непосредственном их управлении; с юридической точки зрения проанализированы условия для иностранных инвесторов и их стимулирование в Узбекистане, выполнение инвестиционных договоров и дана оценка эффективности их выполнения; проведен сопоставительный анализ привлеченных инвестиций в сферы, регионы, а также в приватизационный процесс, в том числе динамика иностранных инвестиций и их структуру и изменение их основных фондов и оценка влияния на рост производства, проведена группировка по распределению в регионы республики привлеченных инвестиций в основной капитал а также освоенного иностранного капитала и дана оценка их эффективности; проанализирован механизм приватизации государственных активов за счет инвестиционной ответственности и обоснованы пути повышения их эффективности.

Практическая значимость: может использоваться при принятии решений государственными управленческими органами и предприятиями по вопросам совершенствования инвестиционной деятельности, при разработке региональных инвестиционных программ, при проведении мероприятий по предотвращению кризиса в предприятии, при включении дополнений в законодательство регулиующее инвестиционную деятельность, в высших учебных заведениях при преподавании дисциплин на тему «Организация инвестиционной деятельности», «Основы иностранных инвестиций».

Степень внедрения и экономическая эффективность: Основные выводы и результаты диссертационной работы были заслушаны и одобрены на международных и республиканских научных конференциях и семинарах. Кроме этого используются Государственной акционерной компанией «Узбекенгилсаноат» и Центром исследований Госкомимущества РУз в принятии решений и разработке мероприятий по привлечению инвестиций в предприятия республики.

Область применения: В сфере регулирования и управления инвестициями и инвестиционной деятельностью.

RESUME

Thesis of Sobirov Abdurasul on the scientific degree of the candidate of economic sciences, specialty 08.00.13 - "Management and Marketing" under the theme: "Improving the mechanisms of state regulation for attracting investment into the economy of the Republic of Uzbekistan" (on the basis of privatized enterprises)

Key words: investments and investment activities, investment policies, regulation and management, investment climate, modernization of production, state assets, privatization, management of investment strategy, attraction of investment.

Subject of research: the economy of Uzbekistan, its industry, privatized enterprises and regions.

Aim of the research: Development of scientific-methodological and practical recommendations to improve the management processes to attract investment and government regulation of investment activity in Uzbekistan.

Method of the research: systems analysis, economic and financial statistics, comparative and graphical method.

The results achieved and their novelty: justified objective of enhancing the attractiveness of the country the investment climate, the benefits of attracting real investment in the industry and the economy at the macro and micro levels, the ways and means to implement them, offers advice on ways to improve public and private functions and tasks to streamline investment and mediocre, and their immediate management, from a legal point of view, analyzed the conditions for foreign investors and their promotion in Uzbekistan, implementation of investment agreements and evaluated the effectiveness of their implementation, a comparative analysis of investment in areas, regions, as well as privatization process, including the dynamics of foreign investment and their structure and change of their fixed assets and the assessment of the impact on output growth, a group of distribution in the regions to attract investment in fixed assets and the acquisition of foreign capital and assess their effectiveness; analyzed the mechanism of privatization of state assets at the expense of investment responsibility and justified ways to enhance their effectiveness.

Practical value of the research: it may be used in decision-making by public administration bodies and enterprises in improving the investment activity in the development of a regional investment program, with activities to prevent the crisis in the enterprise, when the additions to the legislation governing investment in higher education institutions in the teaching of subjects on «Organization of Investment», «Fundamentals of foreign investments».

Degree of embed and economical effectivity: Key findings and results of dissertation work was presented and endorsed at the international and national scientific conferences and seminars. Besides using state joint-stock company "Uzbekengilsanoat and the Center for the Study of the State Property Committee of Uzbekistan in the decision-making and development activities to attract investments in the republic.

Sphere of application: In the field of regulation and investment management and investment activities.